

## Ички бозордаги истеъмол нархлари: статистик кузатув

**М**амлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврида барча тармоқ ва йўналишлардаги каби статистика соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан соҳани ривожлантириш бўйича кенг кўламли иш олиб борилмоқда. Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида ички истеъмол бозоридаги нархлар статистикасини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020 йилда истеъмол бозорида нарх кузатувларини ўтказиш жараёнига САРИ технологияси, яъни махсус курилмалар – планшетлар тўлиқ жорий этилди. Натижада, инфляцияни ҳисоблаш жараёнида автоматлаштирилади, статистик маълумотларнинг объективлиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди. 2021 йил 1 январдан бошлаб, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, мамлакатимизда истеъмол нархлари индекси кузатувларига Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тавсия этилган “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи – 2018” талаблари жорий қилинди. Натижада, Ўзбекистонда қўлланиладиган нархлари кузатиладиган товарлар ва хизматлар таснифлагичи халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштирилди. Шунингдек, ХВЖ техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қўлланилаётган истеъмол нархлари кузатувларини ўтказиш амалиёти ва инфляцияни ҳисоблаш методологияси батафсил кўриб чиқилди.

Маълумот учун: Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – уй-хўжаликларни талабидан келиб чиқиб, маълум бир товар ва хизматлар умумий нархларининг ўртача ўзгариши даражасини акс эттиради. Ушбу умумий кўрсаткич истеъмол саватидаги ҳар бир товар ва хизмат учун нархларнинг ўзгаришини инobatга олган ҳолда ҳисобланади.

Истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларида, танланмадаги ҳар бир товар ва хизматлар бўйича алоҳида ҳисобланган салмоқ вазнлардан фойдаланилади. Салмоқ вазнлар уй хўжаликларининг йиллик истеъмол харажатларида ҳар бир товар ва хизматларнинг жами харажатларга нисбатан улушини ҳисоблаш орқали шакллантирилади.



бошлаб шакллантирилиб, эълон қилиб келинади. Бугунги кунда, мамлакатимизда инфляция даражаси халқаро амалиётга мувофиқ истеъмол нархлари индекси асосида ҳисобланади ҳамда шу мақсадда

Маълумот учун: Инфляция даражасини янада аниқроқ ҳисоблаш мақсадида нархлар кузатувлари билан қамраб олинган товар ва хизматлар рўйхати доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бундай товарлар ва хизматлар сони 1994 йилда 285 тани ва 2019 йилда 386 тани ташкил этган.


ички бозордаги 510 та турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари кузатиб борилади.

Шундан, 170 тасини озиқ-овқат маҳсулотлари, 250 тасини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 90 та хизматлар ташкил қилади. Бунда, нарх кузатувлари 10

### Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотларнинг йиллик ИНИ динамикаси, фоизда



### Товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархлари ўзгаришининг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси, фоизда



### Республика бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг йиллик ИНИ, фоизда

мингдан ортиқ савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўтказилади.

Мазкур ёндашув асосида 2020 йил давомида ўтказиб борилган истеъмол нархлари кузатувлари натижаларига кўра, Ўзбекистонда инфляция даражаси 11,1 фоизни ташкил қилди. Бунда,


озиқ-овқат маҳсулотлари 15,3 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 8,8 фоизга ва хизматлар тарифлари 7,1 фоизга қимматлашди.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда ички бозорда товар ва хизматлар нархларининг ўсиши кузатиладиган бўлсада, иқтисодиётда нархлар ўсиши 2019 йилдагига нисбатан секинлашди, яъни инфляция даражаси 15,2 фоиздан 11,1 фоизгача ёки 4,1 фоиз бандга пасайди.

Гуруҳлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши 2019 йилдаги 18,6 фоиздан 15,3 фоизгача, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши 10,9 фоиздан 8,8 фоизгача ҳамда хизматлар тарифлари ўсиши 15,2 фоиздан 7,1 фоизгача секинлашди.


(Давоми келгуси сонларда)  
Дилшод ХОЛМУРОДОВ,  
Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.  
Мухтор УМАРОВ,  
қўмита бошқарма бошлиғи.

■ 2019 йил ■ 2020 йил



### Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ динамикаси, фоизда

Таъкидлаш жоизки, миссия якуни бўйича ХВЖ экспертлари томонидан мамлакатимизда истеъмол нархлари кузатувларини ташкил этиш борасида олиб бориладиган амалий ва услубий ишларга юқори баҳо берилди. Энди, бевосита инфляция масаласига тўхталадиган бўлсак, маълумки инфляция кўрсаткичи мамлакатдаги макроиктисодий барқарорликни йўқоладовчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ички истеъмол бозорида товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзида акс эттиради. Мазкур статистик кўрсаткич Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро андозаларга асосан 1994 йилдан



### Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг ИНИ ўсиши, фоизда